



ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИНИНГ САМАРАЛИ ЯКУНЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 май куни
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, «БМТ-Аёллар» тузилмаси
ижрочи директори Сима Сами Бахус бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



БМТ делегацияси шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлари форуми доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглик масалалари бўйича етакчи институти раҳбари Президентимизга Бош котиб Антониу Гутерришнинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг маъқеини тубдан яхшилаш ва жамиятдаги мақомини оширишга қаратилган самарали ислохотларга юксак баҳо берилди.

Учрашувда мамлакатимизнинг «БМТ-Аёллар» тузилмаси билан конструктив ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини илгари суриш соҳасидаги барча асосий халқаро конвенцияларга қўшилган, БМТнинг тегишли комиссияси ишида фаол иштирок этмоқда.

Осиё хотин-қизлари форумининг самарали яқунлари юқори баҳоланди. Ушбу форумни Осиё минтақасида аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари бўйича доимий мулоқот платформасига айлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик бўйича, шу жумладан, минтақавий даражадаги аниқ лойиҳа ва дастурларни ўз ичига олган ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни қабул қилиш зарурлиги қайд этилди.

«БМТ-Аёллар» тузилмасининг мамлакатимизда ваколатхонасини очиш масаласи қўллаб-қувватланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Сима Сами БАХУС: ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ДАВЛАТНИНГ УСТУВОР МАҚСАДЛАРИ МАРКАЗИДА

БМТ Бош котиби ўринбосари, «БМТ-Аёллар» тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус Самарқандда бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлари форумида иштироки давомида «Дунё» АА учун эксклюзив интервью берди ва унда ушбу анжуманнинг аҳамияти ҳамда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ислохотлар самараларини қайд этди.

■ Дунё нигоҳи

— Глобаллашув жараёнлари жадал суръатлар билан давом этаётган мураккаб шароитда инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказиляётган Осиё хотин-қизлари форуми, сизнингча бу борада қандай ечимлар беради?

— Аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш инсон ҳуқуқлари устувор йўналиши ҳисобланади. Бироқ муҳим ютуқлар эътирофини топанга қарамай, дунёда хотин-қизларнинг иқтисодийда тенг ва тўлиқ иштирок этиш ҳуқуқи бажарилмаганлигича қолмоқда. Масалан, жаҳон бўйлаб 2,7 миллиарддан ортиқ аёллар қонуний равишда эркаклар билан бир хил иш танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Ишчи кучи иштирокидаги гендер тафовути 1990 йилдан бери 30 фоиз даражада сақланиб қолинмоқда. Шунингдек, иш билан банд бўлган хотин-қизлар эркакларга қараганда ўртача 20 фоиз кам маош олади. Бу нафақат адолатсизлик, балки самарасизлик ҳамдир. Мамлакатлар ўз аҳолисининг тенг ярмини эътиборсиз қолдира олмайд.

Ўзбекистон 2027 йилгача камбағалликни икки баравар қисқартириш бўйича улкан мақсадни ўз олдига қўйган. Бунда хотин-қизларнинг ўзига хос эҳтиёжи ва муаммолари ҳисобга олингани жуда муҳим. Осиё хотин-қизлари форуми аёллар-

нинг мамлакат устувор мақсадлари марказида эканлигини тасдиқлаш учун ўз вақтида зарур имкониятдир.

Форум хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, аёлларни камбағалликдан олиб чиқадиган ҳамда уларнинг жамият ва иқтисодиётга қўшган ҳиссасини эътироф этадиган янги ташаббуслар ҳақида фикр юритишнинг ўзига хос усулларини топиш учун турли иштирокчиларни бирлаштирди.

Шундай қилиб, бу ташаббуслар амалга оширилса, ҳар қандай иқтисодий ривожлантириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суришда ёрдам беради. Ўзбекистон етакчилигининг бу борада ташаббус қўратиши ва хотин-қизлар ҳуқуқларига инвестиция киритаётгани алоҳида мамнуният бағишлайди. Умид қиламизки, форум натижалари ва ечимлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади.

— Форумда гендер тенгликни таъминлаш масалалари муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди. Бу, айниқса, Осиё мамлакатлари учун жуда муҳим. Мазкур йўналишда сўнгги йилларда Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз халқаро майдонда «гендер чемпиони» сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон таърибасининг қайси жиҳатларини Осиё давлатлари учун долзарб деб ҳисоблайсиз?

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида билдирган таклифига асосан 13-14 май

кунлари юқори савияда бўлиб ўтган «Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув» мавзусидаги Осиё хотин-қизлари форумида Самарқанд шаҳри мезбонлик қилди.



ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИРГАЛИКДА ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида илгари сурган ташаббуси асосида ташкил қилинган Осиё хотин-қизлари форуми аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги фаоллигини янада ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, дўстона алоқаларни мустақамлашда чинакам мулоқот майдонига айланди.

Анжуман натижасида қабул қилинган

Самарқанд декларацияси эса эзгу ислохотларнинг амалий ифодаси бўлиб, қитъа мамлакатлари ва халқларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада изчил давом эттиришда, шубҳасиз, муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур форумда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг хулосалари ва фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

■ Акс садо

Кўтарилган масалалар
долзарб аҳамиятга эга

Феруза НИҒМАТОВА,
Ўзбекистон Либерал-демократик
партияси фракцияси аъзоси:

— Осиё мамлакатлари хотин-қизларнинг бир даврга йиғилиб глобал миқёсдаги долзарб масалалар юзасидан ўтказган мулоқоти нафақат минтақа, балки дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, бугунги кунда Осиё минтақасининг жаҳон тараққиётида тугган ўрни тобора ортиб бораётир.

Мазкур форумнинг илк бор Ўзбекистонда ўтказилиши эса кейинги йилларда юртимизда гендер тенгликни

таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб бориляётган кенг қўламли ислохотларнинг дунё ҳамжамияти томонидан юқори даражада қўллаб-қувватланаётганидан ҳам далолат беради.

Форумнинг биринчи иш кунинда БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро, минтақавий ва миллий тажриба ҳамда инновацион ёндашувлар кенг муҳокама қилинди.

Иккинчи иш куни ҳам қизгин ва фаоллик билан ўтди. Унда хотин-қизлар таълимини ривожлантириш, иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган ННТ, фуқаролик жамияти институтлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида муҳим таклифлар илгари су-

рилди. Депутат сифатида ўзим учун муҳим йўналишларни қайд этиб олдим. Мисол учун, минтақадаги нодавлат ташкилотларнинг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги илғор тажрибаси, амалиёти ва инновацион ёндашувларига бағишланган 8-параллель сессиясида кўтарилган масалалар мен учун долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда, мазкур форум гендер сиёсатининг турли соҳалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлаш бўйича янги истиқболларни очиб беришга қўл оғир бўлди. Яқунда қабул қилинган Самарқанд декларацияси эса айтиш жоизки, барча давлатларнинг хотин-қизларга тааллуқли масалаларда эзгу интилошларининг амалий ифодаси бўлиши, муқаррар.



ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон энергетика ҳафталиги ўтказилмоқда

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон энергетика ҳафталиги ўтказилмоқда.

Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» АЖ ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур ҳафталикда дунёнинг ўттизга яқин давлатларидан 450 та ишлаб чиқарувчи компаниянинг ёқилғи-энергетика тармоғига оид замонавий усунуалари ва технологияларидан намуналар намойиш этиляпти.

Озиқ-овқат хавфсизлиги — долзарб масала

Қашқадарёда «Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги экинларининг генетик ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда етиштиришнинг замонавий илғор технологияларини қўллаш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-техник анжуман бўлиб ўтди.

Унда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш қўламини янада ошириш, деҳқончиликда янги технологиялардан фойдаланиш, ҳудудларнинг иқлим-шаароитига мос, чидамли экин навларини яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».

ҚОҒОЗ ШАКЛИДАГИ ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ

Адлия вазирлиги маълумотида кўра тизимда архив ҳужжатларини рақамлаштириш орқали давлат хизматлари янада қулай ва оворагарчиликсиз кўрсатилмоқда. Жумладан:

- фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида сақланаётган **60 миллион**дан ортиқ қоғоз шаклидаги далолатнома ёзувлари рақамлаштирилиб, ахборот тизимларига киритилди;
- фуқаролар томонидан айрим ваколатли ташкилотларга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ахборот тизими орқали олиниши йўлга қўйилиши натижасида ўтган йилда **20 тоннадан** зиёд қоғоз ва **21 миллиард** сўмдан ортиқ маблағ тежалди.
- ФХДЁ органлари томонидан **5 та** хизматни тезлаштирилган тартибда кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.



Сима Сами БАХУС: ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ДАВЛАТНИНГ УСТУВОР МАҚСАДЛАРИ МАРКАЗИДА



— Бутун дунёда гендер тенгликка фақат бир давлатнинг ўзида эришиб бўлмайди. Бу мамлакатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни талаб қилади. 2023 йилда оиладаги зўравонликни жиноят сифатида тан олиш ва яқинда сайлов квотасининг 30 фоиздан 40 фоизга кўтарилиши каби қонунчиликдаги ютуқлар минтақадаги ва ундан ташқаридаги бошқа мамлакатлар учун ҳам долзарб саналиши мумкин бўлган тўғри йўналишдаги қадамлардир.

“Самарқанд бирдамлик ташаббуси”, “Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллар кенгаши” ёки Осиё хотин-қизлари форуми каби тадбирлар ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва биргаликда ишлашнинг ёрқин намунасидир. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича ушбу ҳаракатлар ташаббускори бўлган Ўзбекистон ҳукумати ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

— **Жорий йилнинг март ойида БМТ Хотин-қизлар ҳолати бўйича комиссиясининг 68-сессияси бўлиб ўтди. Сессия давомида гендер тенгликка эришиш ва камбағалликка барҳам бериш, институтлар салоҳиятини ҳамда молиялаштиришни кучайтириш, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси таъминилларини амалга ошириш орқали хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Самарқанд форумини 68-сессиянинг мантикий давоми деб айта оламизми? Агар шундай бўлса, форумда 68-сессия ҳужжатларида белгиланган вазифалар қай даражада ўз аксини топди?**

— “CSW68” (БМТнинг Хотин-қизлар ҳолати бўйича комиссияси) хулосалари хотин-қизлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, жумладан, аёллар камбағаллигини тугатиш ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар учун ресурслар, шунингдек, таълим, қарорлар қабул қилиш, мулкка эгалик ва аёллар бошчилигидаги ташаббусларни ресурслар билан таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”ни белгилайди.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва Озарбайжон учун “CSW68” бўйича кўп томонлама маслаҳатлашувларни ўтказишда муҳим роль ўйнади. “CSW68”дан келиб чиқадиган асосий тавсиялар Осиё хотин-қизлари форуми давомида, жумладан, бандлик, таълим ва кадрлар тайёрлаш, гендер бюджетни каби муҳим соҳалар бўйича тақдим этилди. Бу Марказий Осиё чегараларидан ташқарида ҳам барча даражада жуда кучли давомийлик ва масъулятни кўрсатади.

— **“БМТ-Аёллар” тузилмасининг 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегик режаси бутун дунё бўйлаб гендер тенгликка эришиш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Шу маънода, форумда кўтарилган масалалар ва Самарқанд декларацияси тузилманинг кейинги режаларида ўз аксини топадики?**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган Аёллар стратегик режаси иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш, бошқарув ва қарорлар қабул қилишда иштирок этишни назарда tutади.

Стратегик режада форумда кўриб чиқилган кўплаб йўналишлар қайд этилган. Муносиб меҳнат ва тадбиркорликдан тортиб, “яшил” иқтисодиётда парваришлаш тизимлари ва етакчилигини таъминлаш, ижтимоий нормаларни ўзгартириш, камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни молиялаштиришгача бўлган муҳим йўналишлар ўз аксини топган.

Биз барқарор ривожланиш ва гендер тенгликни таъминлаш учун нафакат ушбу форумда, балки ундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликни давом эттириш тарафдоримиз.

«Дунё» АА.
Самарқанд

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



Мазкур нуфузли анжуманининг иккинчи кунинда иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиш ҳамда халқаро ташкилотлар ва молиявий институтларнинг бу борадаги замонавий ёндашувларини ўрганиш мақсадида “Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари билан бартараф этишнинг минтақавий жиҳатлари: уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирини бартараф этиш бўйича превентив чора-тадбирлар” ҳамда “Минтақадаги нодавлат ташкилотларнинг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги илғор тажрибаси, амалиёти ва инновациялардаги параллель сессиялар ўз ишини давом эттирди.

Айтилганидек, бугун дунё ҳар сонияда ўзгариб турибди ва олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бу вазиятда энг биринчи бўлиб қийинчиликларга тўқнаш келаётди. Агар иқлим ўзгариши ва дунёнинг турли бурчагида юз бераётган моҳирлар шу тарзда давом этадиган бўлса, яна 158 миллион хотин-қизни қашшоқлик кутмоқда. Дунёда ҳар учинчи аёл уйда, жамоат жойларида, ишда, турли медиаплатформаларда таҳдид ва зўравонликка учраётгани ҳам бор гап. Натижада дунё иқтисодиётига аёлларнинг зўравонликка учраши скрининацион ижтимоий институтлар учун йилига 6 триллион АҚШ доллариға тушмоқда.

Шунга қарамай, хотин-қизларга қарор қабул қилиш жараёнида қатнашиш имконияти кам тақдим этилаётди. Ёш аёллар ижтимоий ҳақиқатга интилиб, қатор глобал ҳаракатларга бош бўлмоқда, оналар ўлими камаймоқда. Бошланғич таълимга жалб этилаётган қизлар сони кўпаймоқда. Аммо бу каби ютуқлар муаммолар соясида йўқолиб қолмаслиги керак.

Чунки бугун дунёда аёллар ишлагани ҳолда эркакларга қараганда 20 фоиз кам даромад олади. Кўп ҳолларда уларнинг меҳнати қонунчилик ёки тиббий сўғурга билан ҳимояланмаган. Бугун бутун дунё микёсида банд бўлган аёлларнинг 60 фоизи ноформал иқтисодиёт ҳиссасига тўғри келмоқда. Кам даромадли мамлакатларда бу рақам 90 фоизни ташкил этади. Бутун дунёда аёллар 75 фоиз ҳолатда ўз хонадонидagi ҳақ тўланмайдиган рўзгор ишларини бажаради. Шундай бўлса-да, ҳар ўнинчи аёл мураккаб қашшоқлик ҳолатида кун кечиришга мажбур.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш нафақат тинчлик, балки ўша давлат иқтисодий ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, оилада аёл кишининг иқтисодий даромадга эга бўлиши болаларнинг таълими ва саломатлигига ҳам ижобий таъсир қилади.

Форумда иштирок этган 30 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, жумладан, Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари аёл аъзолари, ҳукуматлари раҳбарлари, чет давлатларнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамда хорижий ташкилотларнинг 40 дан зиёд аъзолари Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни юқори баҳоладилар.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат

Мирзиёевнинг юксак сиёсий иродаси туфайли хотин-қизлар манфаатлари, гендер тенгликни таъминлаш ва оилалар мустаҳкамлиги масалалари мамлакат сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланди. Натижада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётимизда, муҳим қарорлар қабул қилинишида хотин-қизларнинг иштироки

сезиларли равишда кенгайиб бормоқда.

Қисқа давр ичида соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди, сўнгги беш йилда 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани бунга ёрқин мисолдир. Айни чоғда 2 та муҳим қонун имзоланган.

Гендер тенглик сиёсатини тўғри йўлга қўйиш ва унинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Уни барча соҳа ва тармоққа жорий этиш ишлари жадал олиб борилаётми. Қолаверса, миллий қонунчилигимизга “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер экспертизадан ўтказиш”, “гендерга асосланган миллий бюджетни қабул қилиш”, “гендер аудит” каби тушунчалар киритилиб, амалиётга жорий қилинаётгани ҳам эътиборга молик.

Шунингдек, форум давомида Ўзбекистон парламенти юқори ва қуйи палаталарида, маҳаллий Кенгаш депутатлари таркибиде, ижро органларида ҳам аёллар ўрни ортиб бораётгани таъкидланаркан, вазир ва ўринбосарлари, ҳоким ва ўринбосарлари ҳамда нодавлат тошхоналар ташкилотлари раҳбарлари таркибиде хотин-қизлар синфи пайдо бўлгани ва йил сайин улар сони ортиб бораётгани алоҳида урғуланди.

Икки кунлик форум доирасидаги мулоқотларда иқтисодий,

алмашинуви ва гендер тафовутни камайтиришга эришиш мумкин.

Форумдан катта натижа кутяпмиз. Ҳужжатда белгиланган бандларни амалга оширишга бор имкониятимизни сафарбар этамиз. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, жумладан, гендер тенгликни таъминлашда ушбу форумнинг ўрни катта бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур мулоқотни Президент ташаббусига кўра ҳар икки йилда ўтказиш госясини қўллаб-қувватлаймиз. Бу жуда яхши имконият, ишончанки қабул қилинган Самарқанд декларацияси гендер тенгликни таъминлаш борасида дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Белен Санс ЛУКЕ, «БМТ-Аёллар» тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:



— Икки кунлик форум давомида бир қатор маърузачиларнинг нутқлари менга кўтаринки руҳ бағишлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда “БМТ-Аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахуснинг қатъиятли қаҳриқлари барчага масъулият юклади, десак, айни ҳақиқат.

Илгари сурилган гоя ва ташаббусларни рўёбга қиришида парламентлар муҳим ўрин тутлади. Биз мазкур ташаббусларга сармоя киритишни таъминлаш йўлида бирлашишимиз керак.

Шу билан бирга, барча даражадаги аёллар етакчиларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу жараёнинг муҳим қисми сифатида ўзини кўрсатишига кўмаклашимиз талаб этилади.

Ўйлаймизки, Самарқанд форуми бу борадаги саъй-ҳаракатларни ҳамда кучларни бирлаштиришда қўл келади.

Шарлотта АДРИАН, Европа Иттифогининг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка тўлиқ барҳам берилаётгани, гендер тенглик борасида ижобий натижалар қайд этилаётгани, албатта, катта ютуқ.

Биз Ўзбекистоннинг янги таърирдаги Конституциясида гендер тенгликка алоҳида урғу берилганлигини кўрдик. Муҳими, шу каби ижобий интилишлар туфайли салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, талаба қизларнинг сони ошмоқда, хотин-қизларнинг молиявий имкониятлари кенгайишмоқда. Бу — олдинга йўл, дегани ва биз бу йўлда давом этишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги интилишлари таҳсинга лойиқ. Бундай интилишлар Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам қувватланмоқда. Буларнинг барчаси пировардида жамиятни гоя ҳамда инновация жихатдан янада барқарор қилиши, шубҳасиз.

Анас Файяд КАРМАН, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда катта ўзгаришлар бўлди, деб айта оламиз. Хусусан, аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг сиёсий соҳалардаги иштирокини фаоллаштириш борасидаги изланишлар ҳамда қўлга киритилган натижалар бунга яққол далил.



Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.

сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, бу борадаги саъй-ҳаракат ва имкониятлар умумлаштирилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва имкониятларни очиш, жумладан, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, парваришлаш ишларини баҳолаш ва Осиёда аёллар тадбиркорлиги

учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгиланган.

Форум доирасидаги музокара ва муҳокамалардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Ўз навбатида, мазкур халқаро анжуман доирасида хорижлик меҳмонлар қадимий кентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг молия ва кредитлардан фойдаланиш имкониятларини янада яхшилаш орқали аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган жуда катта стратегик ташаббусларига гувоҳ бўляпмиз.

Сиёсий фаоллик, парламентлар, маъмурий ва бошқа соҳаларда аёллар квотасининг кўпайтирилиши Ўзбекистонда гендер тенглик борасида олиб борилаётган ижобий ўзгаришларнинг исботидир.

БМТ Тараққиёт дастури бу йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга тайёр.

Амира ФАҲМИЙ, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси:




— Ўзбекистондаги тўрт йиллик фаолиятим давомида турли соҳаларда жадал ислохот ва янгиланишларга гувоҳ бўлиб келяпман.

Марказий Осиё хотин-қизлари форуми Ўзбекистон томонидан ўтказилаётгани бежиз эмас. Негаки, бу мамлакатнинг хотин-қизлар муаммолари, ҳуқуқ ва имкониятларини устувор йўналишлари қаторига қўйётганини кўрсатди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари тўплаб ана шундай долзарб йўналишда муҳокама ўтказилаётганидан Ўзбекистондаги аёл элчи сифатида фахрландим.

Ўзбекистондаги ҳар бир аёлга омад тилайман, улар энг яхшисига лойиқ. Уларда жуда катта салоҳият, муҳими, хотин-қизларни қўллаб турган Президенти бор. Бутун дунё бўйлаб қувватланган ҳар бир яхши тажриба бугун юртингизда кечаётгани билан табриклайман!

Ольга ПЕРЕПЕЧИНА, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси ўринбосари:



— Самарқандда бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлари форуми Ўзбекистон раҳбариятининг амалиётга татиқ этилаётган муҳим ташаббуси бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўзини ўзи англаши учун шарт-шароит яратиш борасида салмоқли қадам ташлаш имконини беради.

Форумда аёлларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш борасидаги кўплаб мамлакатлар тажрибаси ҳар томонлама муҳокама қилинди ва ишга солинмаган имкониятлар кенг ташкилланган бўлиб қолди.

Марказий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аёлларнинг қонунчилик амалиётида вакиллик иштирокини қафолатлайдиган қонунчилик қарорлари қабул қилинган. Бу тажриба бугун бошқа давлатлар учун ҳам қизиқ.

Форум давомида хотин-қизларнинг барча даражадаги таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва уларга бу борада кўплаб имтиёзлар бериш масалалари кўриб чиқилганини ҳам олқишлаймиз.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Италиянинг Рим шаҳрида БМТ Озиқ-овқат ташкилоти Европа Минтақавий конференциясининг 34-сессияси бўлиб ўтмоқда. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашапти.

ЭЗГУ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР БИРГАЛИКДА ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Бирлашган ҳолда ҳар қандай муаммога ечим топса бўлади

Муборак АХМЕДОВА, «Миллий тиклишни» ДП фракцияси аъзоси:
— Дарҳақиқат, қитъамизда илк бор ўтказилган форум ҳар томонлама самарали ва манфаатли учрашувларга бой тарзда ўтди. Аввало, айтиш керак, деярли ҳар бир иштирокчи Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида эришилган натижаларни эътироф қилганида ич-ичимдан faxрландим. Хусусан, Жаҳон банки индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёда энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат сифида қайд этилгани, Очiq гендер маълумотлар индексида энг яхши 20 та давлат қаторидан жой олгани эришилган ютуқларга маъийё бўлиб қолмасдан, бу борада қилинаётган ташкилий ҳуқуқий ишларни янги босқичга кўтаришимиз лозимлигини аниглади.

Минтақамизнинг энг илгор фикрловчи, етакчи аёллари қатнашган анжуманда иштирок этар эканман, масофа жиҳатидан бир-биримиздан қанча узокда бўлмайлик, турли мамлакатларда хотин-қизлар эришаётган ютуқлар ҳам, улар дуч келаётган муаммолар ҳам бир-биригача ўқашлигига амин бўлдим. Ҳамжihatликда, биргаликда муҳокама қилиш орқали умумий муаммоларга ечим топиш керак, деган гоя бежиз такрорланмади. Чунки аёл ва боланинг беғонаси бўлмайди, давлатлар ва жамиятлардаги зийлилар, фаоллар бирлашган ҳолда, улар дуч келаётган ҳар қандай муаммони ҳал этса бўлади.

Форумда хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни қўчайтириш, сиёсат ва бизнесда аёлларга тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида ҳимоя қилиш борасида салмоқли тақлифлар ва гоялар илгари сурилди. Бу тақлифларнинг барчасини ҳаётга таъбиқ этиш хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнунчилиқни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Жумладан, аёлларга нисбатан баъзан жамиятда учраб турган руҳий, маънавий ёки жисмоний таъиқларга қучли қўнунларимиз асосида бу тўнлай барҳам бериш йўллариини излашда давом этишимиз керак. Гарчи Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб “оилавий зўравонлик” тушунчасига аниқлик киритиб, зўравонликларга қарши жавобгарликни

қўчайтирган бўлсак-да, бу борадаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқишимиз лозим. Токи, бирорта аёл ёки бола зўравонликка учрамасин! Форумдан олган хулосам шу бўлдики, биз хотин-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг қамситилишига йўл қўймаслик борасида бошлаган ишларимизни муносиб даражада давом эттиришимиз зарур.

Халқчил вазибалар умумий манфаатларни бирлаштиради

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:
— Ҳозирда Осиё қитъаси аёллари эришаётган ютуқлар билан бирга, уларнинг ҳаётида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳам етарлича. БМТ Бош котиби ўринбосари, “БМТ-Аёллар” тузилмаси ижрочи директори С. Бахус форумнинг очилишида қайд этганидек, афсуски, дунёда юз бераётган қўллаб-қувватлаш кўпроқ аёллар ва қизларга ўз таъсирини ўтказмоқда. “Ҳар учинчи аёл ҳали ҳам зўравонлик ва таъқиқларга дучор бўлмоқда. Асосий сабаб қамситувчи нормалар ва қўнунчилик тизимларидир”, деди меҳмон ўз чиқишида.

Ҳақиқатан ҳам, хотин-қизлар учраётган деярли ҳар бир муаммонинг туь илдизи қўнунлардаги бўшлиқларга ёки улар ижросидаги оқсоқликларга бориб тақалади. Гарчи кейинги йилларда Ўзбекистон қўнунчилигида гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўзгаришлар сифат ва сон жиҳатдан қўнундан бўлса-да, жойларда қабул қилинган қўнунлардан хабардорлик даражаси ҳаминчалар эканига ёки қўнунларимизда қамчилликлар мавжудлигига ғувоҳ бўламыз. Бундай ҳолатлар биз, парламент аъзоларига қўнун ижодкорлиги соҳасини ривожлантириш борасидаги ташаббусларни илгари суришимизга муҳим туртки вазибаларни ўтайди ва ҳудудлардаги ўрганишларимиз асосида қўнунлардаги бўшлиқларни аниқлашга бор қуч-ғайратимизни сафарбар этмоғимиз лозим.

Форум якуни доирасида қабул қилинган Самарқанд декларациясида бир қатор халқчил вазибалар акс эттирилганига умид қиламан: биринчидан, Осиё минтақасидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим;

иккинчидан, мамлакатлардаги аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланишига хизмат қилувчи ташаббусларни қўллаб-қувватлашда давом этишимиз зарур; учинчидан, минтақада аёллар мақомини кўтаришга қаратилган маданий ва гуманитар лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш мақсада мувофиқ; тўртинчидан, энг муҳим тақлифим шундан иборат бўлардики, Осиё аёллари дуч келаётган муаммолар очиқ тарзда муҳокама қилиниши лозим. Зеро, очиқликни таъминламасдан туриб, муаммонинг сабаб ва оқибатлари билан курашиб бўлмайди. Қисқача айтганда, аёл қайси давлатда яшамасин, ўз орзу ва мақсадларига тўқисларсиз эришиши ва оиласига, жамиятга нафти тегиши учун барча шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган бўлиши шарт.

Таҳриба алмашинида ўзига хос платформа

Дилбар МАМАЖОНОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:
— Осиё минтақаси давлатлари етакчи аёлларининг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш бўйича ўзаро ҳамкорлиги ва таҳриба алмашини ушбу форумнинг аҳамиятини янада оширди.

Қатнашчилар Ўзбекистон парламенти юқори ва қуйи палаталарида, маҳаллий Кенгаш депутатлари таркибиде, ижро органларида аёллар ўрни ортиб бораётганини қайд этиб, бугун улар вазиь, вазиь ўринбосари, ҳоким ва ҳоким ўринбосари, йирик нодавлат но-тихорат ташкилоти раҳбари лавозиминида самарали меҳнат қилаётганини эътироф этдилар. Зеро, парламентдаги аёл вакиллар хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга таъсир қилишда муҳим роль ўйнайди. Улар ўз мамлакатидеги аёлларнинг дарду ташвиши, қизиқишлари ва интилишидан хабардор бўлгани боис хотин-қизларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш, устуворликларни белгилаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшадиган қучли қўнунчилик базасини яратишда фаол иштирок этади.

Бугунги кунда ҳам глобал миқёсда, ҳам Осиё қитъаси мамлакатларининг миллий стратегиялари доирасида парламент ташаббуслари орқали хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини оширишга қаратилган муҳим

ютуқларга эришилаётганини алоҳида қайд қилиш жоиз.

Бундай юқори даражадаги тадбирларни ўтказиш ташаббуслари халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлишга интилаётган янги Ўзбекистон учун му-

майдони бўлди. У нафақат хорижий давлатлар қўнун қиларувчи органлари, балки мамлакатимиз парламенти учун ҳам фойдали бўлиб, бу борадаги гоя ва ташаббусларни илгари суришда ҳамда ўзаро таҳриба алмашинида ўзига хос

такомиллаштиришда аёл депутатларнинг ўрни, иштироки сезиляптими?

Аввало, айтиш керак, тўртинчи чакирк Қўнунчилик палатаси фаолиятининг ўтган даврида, яъни 2020 — 2023 йиллар давомида аёл депутатлар 23 та қўнун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва парламент муҳокамасига қиритишда бево-сита иштирок этди. Умуман олганда, парламентимизда кўриб чиқилган ва қабул қилинган қўнунларда хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнунларнинг сифати ва сони сезиларли даражада ўсди.

Хусусан, 2022 йил декабрда қабул қилинган тегишли қўнунга асосан илк бор Ўзбекистондаги давлат ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказиш тартиби белгиланди. Эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилганлиги, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашув ҳолатлари ўрганилмоқда ва баҳоланмоқда. 2023 йил апрелда қабул қилинган қўнунга асосан эса Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар оиладаги зўравонликни назарда тутувчи моддалар билан тўлдирилди. Бир гуруҳ депутатлар томонидан қўнунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қўнун билан Сайлов кодексига қиритилган ўзгаришларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан депутатликка қўрсатиладиган номзодлар умумий сониде аёл номзодларнинг улуши 30 фоиздан 40 фоизга етказилди. Қўнунларимиздаги бу каби ўзгаришлар аёлларнинг жамият ҳаётдаги ўрни ва нуфузини янада қўчайтиришга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қафолатлашга хизмат қилмоқда.

Форумнинг параллель сессиясида хотин-қизлар иқтисодий ҳолатини яхшилашда парламентнинг ўрни муҳокама этилгани айни мудоао бўлди. Сессияда парламент аъзолари хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга таъсир қилишда муҳим роль ўйнаши, бу борадаги тегишли қўнунчилик базасини ривожлантиришда ўрни қатталиги қайд этилди.

Ўз навбатида, биз, депутатлик корпуси вакиллари хотин-қизларимизга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишига, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, қолаверса, давлат ва хусусий секторда гендер мувозанатини таъминлашга қаратилган қўнунчиликни ривожлантиришга ҳисса қўшишда давом этамиз.

ЯНГИ ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР САРИ РАҒБАТ

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида “Олтин қалам” XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорлари тантанали тақдирланди. Муҳташам сарой фойесида тақдирлаш маросими иштирокчилари ва меҳмонлари, устоз журналистлар, соҳа фидойилари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалар, халқаро ташкилотлар ва элчионалар вакиллари, қатор хорижий давлатлардаги медиауюшмаларнинг мутасаддилари кутиб олинди. Камер оркестр ижросида куй-қўшиқлар янгради, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди. ОАВ ходимлари учун пресс-холл фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Танлов

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан аънаъавий тарзда ўтказилаётган ушбу танлов ўтган йилдан бошлаб янгича низом асосида ташкил этилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўляпти.

Тадбирда мамлакатимизда сўз эркинлиги ва журналистика ривожига эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида “Олтин қалам” Миллий мукофоти ҳам мазмун ва қўлам жиҳатида йилдан-йилга бойитиб борилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига мувофиқ, танлов ғолибларини рағбатлантириш қўлами ҳам янада кенгайди. Жумладан, бош миллий мукофот учун автомобил тақдим қилинмоқда. Шунингдек, биринчи ўрин соҳибни базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари, иккинчи ўринни олган базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари, учинчи ўрин эгаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари даражасидаги пул мукофоти билан тақдирланяпти. Рағбатлантирувчи номинациялар сони ва уларга бериладиган пул мукофотлари ҳам ошган. Хусусан, 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари даражасида бир марталик пул мукофоти ажратилляпти.

Ижодий ишларни саралашда ҳам очиқлик ва шаффофликка эътиборнинг қўнайгани мукофотнинг нуфузини, оммабоплигини янада юксалтирмоқда.

Бундай эътиборга мос равишда танловда қатнашувчилар сони ҳам йилдан-йилга қўнайиб бормоқда. Бу йилги танловга телевидение йўналишида мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат телеканалларида фаолият олиб бораётган 98 нафар журналист

ёки журналистларнинг қўламли ишлари таъкидланди. Танловнинг ғолиб ва совриндорлари тантанали тақдирланди. Муҳташам сарой фойесида тақдирлаш маросими иштирокчилари ва меҳмонлари, устоз журналистлар, соҳа фидойилари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалар, халқаро ташкилотлар ва элчионалар вакиллари, қатор хорижий давлатлардаги медиауюшмаларнинг мутасаддилари кутиб олинди. Камер оркестр ижросида куй-қўшиқлар янгради, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди. ОАВ ходимлари учун пресс-холл фаолияти ҳам йўлга қўйилди.



ўз материалларини тақдим этган бўлса, радио йўналишида 26 нафар, босма ОАВ йўналишида эса энг қўп — 178 нафар, интернет нашрлари йўналиши бўйича 75 нафар, “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинациясида ҳам ҳал қилинган қўп — 40 дан ортиқ давлатлардан 100 нафарга яқин журналистлар қатнашган. Бу йилги танловнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, одатда ҳар йили жамоавий қатнашувчи тақдириятлар сони беш-ўнта бўларди. Жорий йилда олдинги йиллардагига нисбатан жамоавий иштирок етзувчилар сони уч баробар ошган, яъни 40 га яқин тақдириятлар танловга ижодий ишларини тақдим этган.

Халқаро танловда “Публицистлик жанрдаги энг яхши китоб учун” йўналиши 12 та номинациядан бири сифатида белгиланган. Ушбу номинация бўйича 22 нафар журналист 30 га яқин публицистлик жанрдаги китоблари билан иштирок этди. “Энг яхши фоторепортаж учун” номинацияси ғолиб эса 47 нафар фоторепор-тажистнинг 1500 га яқин ижодий ишларини баҳолаш орқали аниқланди.



радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар йўналиши, барча номинациялар бўйича ғолибларга махсус статуэтка, пул мукофоти ва дипломлар тантанали топширилди.

— Ғолиблар қаторида эканимдан бағоят хурсандман, — дейди танловнинг босма нашрлар йўналиши бўйича 1-ўрин соҳибни “Жадид” газетаси бўлим мудири Шойим Бўтаев. — Бу мамлакатимиз равақи, халқимизнинг маънавий қамолоти йўлида жонқуярлик билан яшаётган, меҳнат қилаётган, изланаётган киши, албатта, эътироф этилиши, рағбатлантирилишига ишончимни яна бир бор мустаҳкамлади. Узок йиллардан бун ёкид майдониданман. Турли матбуот нашрларида ҳоҳ бодий асарлар, ҳоҳ публицистлик мақола, ҳоҳ сўхбат тарзида бўлсин, ижодий гояларимизни, она тилимизнинг гузаллигини, бекиёс ифода имкониятларини, фирқарашларимизни намоян этиб келаяпмизки, мақсадимиз — улар халқимизнинг бадиий дидини устиришга, қўнгли күзини очишга, дунёқарашини бойитишга, маънавиятини юксалтиришга, юртимизда юз бераётган тарихий ўзгаришлардан хабардорлигини оширишга, уларнинг моҳиятини теран тушунишга хизмат қилсин. Меҳнатларимиз эътирофи бизни янги ижодий до-вонларни забт этишга ундайди.

Бош миллий мукофотга “UzReport TV” телеканали жамоаси муносиб топилди. Унга енгил автомобил баки-ти, махсус статуэтка ва диплом тантанали равишда топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги куй-қўшиқлар йиғил-ганларга хуш кайфият бағишланди.

Биз учун янада қувворлиси, танлов ғолиблари сафида ҳамкасбимиз ҳам бор. “Народное слово” газетаси масъул котиби Нурлан Усмонов босма нашрлар йўналиши бўйича 2-ўринга сазовор бўлди. Жонқуяр ва талабчан журналистини ушбу муваффақият билан табриклаб, унга янги ижодий марралар сари дадил одимлашда куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

ИНТЕНСИВ ЎРИКЗОР ИККИ ЙИЛДА ҲОСИЛГА КИРДИ

Қува туманининг “Турк” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида йиллар давомиде қаровисз ётган дашт ерлари ўзлаштирилиб, 80 гектар ерда Туркия таҳрибаси бўйича интенсив бог барпо этилган эди.



Интилиш

— Икки йилда ҳосилга кирган ўрикзор мевалари бугунги кунда МДХ мамлакатлари-га экспорт қилинмоқда, — дейди “Ашуров Мўминжон” мева-сабзавотчилик кластери раҳбари Каримжон Ашуров. — Шу тарика жорий йилда 100 тоннадан ортиқ ўрик экспорти қилини мўлжаллаганимиз.

Богда Туркия технологияси асосида юз фоиз томчи-латиб сугориш жорий этилган бўлиб, бу сувни аънаъавий усулга қараганда камида беш-олти маротаба теҳаш ҳамда бошқа харажатларни ҳам сезиларли даражада қисқартириш имконини бе-раётир. Ўз навбатида, бундай

замонавий ёндашув натижасида қўчатлар бир текис ривожланиб, ҳосилдорлик юқори бўлиши таъминланяпти. Эътиборлиси, мева-сабза-вотчилик кластери қошида ташкил этилган қўчатчилик хўжалигида жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйлаб 2 миллиард сўмлик ўрик қўчатлари етказиб берилди.

Ҳозирда 1 гектар ерда транспорт-логистика маркази бунёд этилиш, маҳсулотни кадоқлаш, юклаш жиҳозлари ишлаб чиқиш цехи, 2 минг тонна ситимга эга музлаткичли омборхона қуриш режа-лаштирилган.

Бугунги кунда 70 та дои-мий ва 200 дан зиёд мавсу-

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Океанортида дастурхон безаги саналган маҳсулот Вобкентда етиштирилмоқда

Қуён, товук гўшти — парҳезбоп. Бу борада курканики улардан қолшмайди. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, курка гўшти таркибиде кўп миқдорда “А” ва “Е” витаминлари, темир, кальций, магний моддалари бор. Холестерин миқдори паст. Бу эса гўштининг фойдали хусусиятлари организмга тез ва батамом сингишини аниглади. Мухими, курка гўштиндан тайёрланган таомлар лаззатли, шу билан бирга, енгил ҳазм бўлади.

Омилкорлик

Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган Жўрабек Ҳикматов хориждан 200 бош зотдор курка келтириб, уларни маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда қўпайтирмоқда. Вобкент туманидаги Латифабоевнинг маҳалласида истикомат қилувчи бу юртодошимиз ҳовлисида тегиормон ҳам курган. Тадбиркор ўтмишда “денгиззоти товуклари” дея таърифланган бу жонивор учун егу-лиқни шу ернинг ўзида тайёрляпти.

— Дунёнинг кўпгина давлатларида ҳар бошидан 20 килограммдан ошириб гўшт, бир мавсумда 70 — 90 донга туҳум олиш мумкин бўлган зотдор куркалар парварши қилиняпти, — дейди у. — Биздаги маҳаллий куркаларнинг маҳсулдорлиги эса нисбатан паст. Мутахассислар билан маслаҳатлашдим. Уларнинг йўл-йўриги асосида зотдор куркаларни маҳаллий иқлим

шароитига мослаштиряпман. Жўжасини 150 кун давомиде парваршилаб, ундан 20 килограмм гўшт олиш мумкин. Мақсадим улар сонини 30 минг бошга етказиш.

Дарвоқе, курканинг келиб чиқиши Америка қитъаси билан боғлиқ. Ушбу парранда гўштининг сифати ёввойи қушларники каби мазали ва хуш-таъм. Шу боис бўлса керак, неча асрдирки, океан-ортида, аниқроқи, Канада ва АҚШда курка гўштидан тайёрланган таомлар байрамларда дастурхон безаги сифатида алоҳида қадрланади.

Ҳикматовлар хонадонига келсак, оила яқинда уч минг бош курка сотиб, салкам эллик миллион сўм даромад қилди. Иш бароридан келиб турса, Жўрабек Ҳикматов истиқболда курка гўштини қайта ишлаб, уни яримтайёр маҳсулот ҳолида нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқариш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

